

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Г.А.Джаналиева

Технология, менжмент ва коммуникациялар  
институти-катта ўқитувчиси

**Калит сўзлар:** SCAMPER, “KWHL” методи, креативлик, муаммоли вазият, ижодий фикрлаш, педагогик жараён.

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўқув жараёнида креатив фикрлашга йўналтирилган таълим методларини қўлланишнинг аҳамияти батафсил ёритиб берилган.

**Аннотация:** В данной статье описаны важность использования в образовательном процессе образовательных методов, ориентированных на творческое мышление.

**Annotation:** This article describes the importance of using educational methods focused on creative thinking in the educational process.

Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамият таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълим методикасини мақсадли ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради.


Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиласидиган қўплаб метод қўлланилади. Ушбу методларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талабаларни ўқув материаллари юзасидан чукур ўйлашга мажбур қиласиди.

Ўқув жараёнларида креатив фикрлашга қаратилган методлардан фойдаланиш талабаларнинг фаоллигини оширади, мавзуга нисбатан ижодий фикрлаш, турли хил муаммоли вазиятларни хал қилиш, муаммоли масалаларни ечишга креатив ёндашишга хизмат қиласиди.

**SCAMPER (скампер) таълим методи.** Бу бир назорат рўйхати шаклидаги оддий, лекин самарали ижод техникасидир. Скампер таълим методи ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиб келинган бўлиб, Scamper сўзи "тез югуриш" деган маънони англатади.

SCAMPER тушунчаси кенгайтмаси (7 та)нинг ҳар биридан 7 қатордан ва 3 устундан иборат жадвал яратиш талаб этилади. Аслида бу усул муаммонинг ечимиға саволлар ёрдамида “югуриб ўтиш» ни талаб қиласиди. Ушбу креатив усул

Роберт Эберл томонидан 1997 йил таълимга киритилган. Усулнинг асосий мақсади муаммога аниқ савол қўйиш, ҳар бир савол турига қараб жавоб топиш, яъни муаммони ижодкорона таҳлил қилиш, билимларни ўзлаштириш ва излаш, муаммонинг ечимида янгича ёндашишдан иборат.



### SCAMPER- аббревиатуралар йифиндисидан иборат.

<b>S</b>	<b>SUBSTITUTE</b> (алмаштириш)-	Нима билан алмаштириш мумкин?
<b>C</b>	<b>COMBINE</b> (бирлаштириш)-	Нима билан бирлаштириш мумкин?
<b>A</b>	<b>ADAPT</b> (мослаштириш)-	Нима билан молаштириш мумкин?
<b>M</b>	<b>MODIFY/MAGNIFY</b> (модификация бошқа тури (холати)-	Қандай қилиб яхшилаш мумкин? (кatta, узокроқ, баландроқ, ортиқча ишланган, қўшимча функцияларни бажариш)
<b>P</b>	<b>PUT TO OTHER USES</b> (бошқа соҳаларда қўллаш)-	Нима ўзгариши мумкин? (унинг миқёсидаги ўсиш ёки камайиши, шакли ўзгариши, белгилар ва бошқалар)
<b>E</b>	<b>ELEMINATE</b> (қисқартириш)-	Яна қандай ҳолда қўллаш мумкин?
<b>R</b>	<b>REARRANGE/REVERSE</b> (тартибини ўзгартириш)	Нимани қайта тиклаш мумкин? (Буюртмани ўзгартириш, компонентларни алмаштириш, тезлик ва бошқалар)

### “KWHL” методи

нимани биламан.

нимани билишни ҳоҳлайман, нимани билишим керак.

қандай қилиб билиб топиб оламан.

нималарни билаб олдим.

**KWHL методи**- таълим берувчи янги мавзуни ўтишдан аввал таълим оловчиларининг янги мавзуу бўйича қай даражасини билиб олиш учун таълим берувчилар қўллаши мумкин бўлган ва таълим оловчиларнинг ўқиш якунида баҳолаш орқали ёрдам берувчи восита.

**Қўлланилиши:**

- гурухни фикрини жамлаш жараёни сифатида;

- янги мавзунинг бошида таълим олувчиларнинг мавзу ҳақидаги билимларини билиб олиш учун;

- таълим олувчилар нимани билишни хоҳлашларини билиб олиш учун;

- таълим олувчилар нимани билишни хоҳлашларини билиб олиш учун ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ва аниқ тузиб чиқиш;

- вазифадан сўнг акслантириш учун.

**Нима учун қўлланилиши:**

- бу структураланган жараён бўлиб, у таълим берувчиларга таълим олувчилар нималарни билиши ва уларнинг саволлари ва қизиқишилари қаерда эканлиги ҳақида маълумот беради;

- бу таълим олувчиларнинг ўзларини ўқитишига имкон беради;

- юқори фикрлашга ёрдам беради;

- ўқув жараёнини ташкиллаштиришда таълим берувчи ва таълим олувчиларга ёрдам беради;

- таълим олувчиларга ўз - ўзини баҳолашга ёрдам беради.

**Қачон қўлланилиши:**

- «Биламан?», «Билишни хоҳлайман?» ва «Қандай қилиб саволларни билиб оламан?» саволларини беришда энг бошида ёки янги мавзу бошида;

- ҳар бир таълим олувчи нимани билиб олганлигини билиб олишда мавзу охирида.

**Қандай қўлланилиши:**

Янги мавзу бўйича тингловчиларга олдиндан тайёрланган тарқатма материаллар берилади.

**Мавзу:**

нимани биламан:	нимани билишни хоҳлайман, нимани билишим керак:
қандай қилиб билиб топиб оламан:	нималарни билаб олдим:

Янги мавзу бўйича ҳар бир тингловчи берилган тарқатмага нимани билишини, нимани билишни ҳоҳлашини, бу манбаларни қаердан олиб ўқиш ўрганиш мумкинлигини ёзиб беради.

Жавоблар гурухдагиларнинг билимлар ва қизиқишилар нима эканлигини билиб олиш учун муҳокама қилиш мумкин. Таълим берувчи саволларни кўриб чиқиши ва жавобларни эълон қилиши ҳам мумкин. Таълим олувчиларнинг жавоблари мавзу ўқитиши ва уни ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлади. Машғулот якуни мавзу бўйича « Нималарни билиб олдим» саволига жавоб берилади. Улар

жавобларини аввалги саволларга беришади ва бу орқали улар билимлари қанчалик даражада ортганини ва ўзлари билишни хоҳлаган маълумотга эга бўлишганлигини аниқлашади.

Ҳозирги қунда таълимнинг асосий мақсади шахсни ривожланиши учун оптимал шартлар билан таъминлаш бўлиб қолмоқда. Бунда педагог нафақат билим бериши балки берилган билимни талабалар ўзлаштириб олишлари учун ҳам ҳаракат қилиши керак. Айнан шунинг учун ҳам креатив таълимга бўлган талаб ошиб бормоқда.